

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЎРТА МАХСУС, ПРОФЕССИОНАЛ
ВА МАКТАБДАН ТАШҚАРИ
ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ
АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ
БҮЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

Тошкент - 2024

Ўрта маҳсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш бўйича услубий қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2025. – 15 бет.

Мазкур услубий қўлланма педагог ходимларни аттестациядан ўтказишида уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши, уларга малака тоифалари бериш ва апелляция шикоятларини кўриб чиқишида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини йўлга қўйиш ҳамда аттестация бўйича педагог ходимларга умумий маълумотларни тақдим этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли, қўлланманинг янгиланган санасига эътибор қаратиш лозим.

Ушбу услубий қўлланма тавсиявий хусусиятга эга.

МУНДАРИЖА

Фойдаланилган адабиётлар.....	4
Педагог ходимларни аттестациядан ўтказиш бўйича умумий маълумотлар.....	6
Аттестациядан ўтиш учун хужжат топшириш тартиби.....	9
Педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби.....	12

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Норматив-хуқуқий ҳужжат номи	Ҳавола
Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги "Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 572-сон қарори билан тасдиқланган Мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом	

ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ БҮЙИЧА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

- ✓ Педагог кадрлар ҳар беш йилда бир марта навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилади.
- ✓ Илгари аттестациядан ўтмаган ишга янги қабул қилинган педагог кадрлар ёки олий таълим ташкилотларини битириб биринчи бор ишга кирган педагог кадрлар касбий фаолиятига уч йил тўлгандан сўнг навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказилади (магистратурани тугатганлар бундан мустасно).
- ✓ Педагог кадрлар ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари аттестациядан ўтказилиши мумкин.

Эслатма: Нодавлат мактабгача, умумий ўрта, ўрта маҳсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотларининг педагог кадрлари ўз хоҳишига кўра мазкур Низом талабларига мувофиқ навбатдан ташқари аттестациядан ўтиши мумкин.



КИМЛАР НАВБАТДАГИ МАЖБУРИЙ АТТЕСТАЦИЯГА ЖАЛБ ЭТИЛМАЙДИ?

- ✓ фан номзоди, фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) даражасига ҳамда Олий аттестация комиссияси томонидан берилган катта илмий ходим, доцент ва профессор илмий унвонига эга бўлган педагог кадрлар;
- ✓ педагогик фаолият бўйича уч йилдан кам бўлган иш стажига эга педагог кадрлар;
- ✓ ҳомиладор аёллар, улар ҳомиладор бўлган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин бир йил давомида;
- ✓ ҳомиладорлик ва туғиш ҳамда болани парвариш қилиш таътилларида бўлган аёллар, улар таътилда бўлган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин бир йил давомида;
- ✓ педагогик фаолият билан шуғулланаётган уч ёшгача болалари бор аёллар;
- ✓ узоқ (уч ойдан ортиқ вақт мобайнида) даволанишни ўтаётган педагог кадрлар, улар даволанаётган даврда ҳамда ишга чиққанидан кейин олти ой давомида;

✓ Спорт мусобақаларининг ғолибларини тайёрлаган педагог кадрлар, уларга малака тоифаси тўғридан-тўғри берилган ёки бир поғона оширилган вақтдан бошлаб кейинги беш йил давомида;

✓ республика ва чет эл давлатларига ўқишига, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларига юборилган педагог кадрлар, улар чет элда бўлган даврда. Ушбу педагогларнинг малака тоифалари навбатдаги ташкил этиладиган малака синовларигача сақланади;

✓ ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартлар асосида рақобатлаша олмайдиган шахслар учун энг кам миқдордаги иш ўринларига захирага олиб ишга жойлаштирилган педагог кадрлар, бу иш жойларига қабул қилинган кундан бошлаб уч йил давомида.

Бу муҳим! Навбатдаги мажбурий аттестацияга жалб этилмайдиган педагог кадрлар **ўз хоҳишига кўра навбатдан ташқари** аттестациядан ўтишлари мумкин.

ҚУЙИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРГА МАЛАКА ТОИФАСИ (ЛАВОЗИМ) ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ (АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛМАСДАН) БЕРИЛАДИ:

а) халқаро ва республика миқёсидаги спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг рўйхатига киритилган спорт мусобақаларининг:

➤ туман (шаҳар) босқичи ғолиб ўқувчисини (1-ўрин) тайёрлаган таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – **иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими);**

➤ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиб ўқувчисини (1-ўрин) тайёрлаган таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – **биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими);**

➤ халқаро ҳамда республика босқичи ғолиб ва совриндор ўқувчисини (1 – 3-ўрин) тайёрлаган таълим ташкилотлари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – **олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими);**

б) жисмоний тарбия фани олимпиадасининг, шунингдек, «Беш ташаббус олимпиадаси», олимпия, ноолимпия ва миллий спорт турлари бўйича уч босқичли умумреспублика спорт мусобақаларининг:

туман (шаҳар) босқичи ғолиб ва совриндор ўқувчисини (1 – 3-ўрин) тайёрлаган таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – **иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими);**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиб ва совриндор ўқувчисини (1 – 3-ўрин) тайёрлаган таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – **биринчи малака тоифаси (етакчи ўқитувчи лавозими);**

республика (финал) босқичи ғолиб ва совриндор ўқувчисини (1 – 3-ўрин) тайёрлаган таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларига – **олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими);**

в) халқаро математика (IMO), физика (IPhO), кимё (IChO), биология (IBO) информатика (IOI) олимпиадаларида олтин, кумуш ёки бронза медални (биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни) қўлга киритган совриндор ўқувчини тайёрлаган таълим ташкилотларининг педагог кадрларига – **олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими).**



КИМЛАРНИНГ МАЛАКА ТОИФАЛАРИ БИР ПОГОНА ОШИРИЛАДИ?

Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари билан тақдирланган педагог кадрлар;

«Устоз» миллий мукофоти ғолиблари;

Worldskills мусобақалари совриндорларини тайёрлаган таълим ташкилотларининг педагог кадрлари;

республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда ғолибликтни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган педагог кадрлар;



Педагог кадрлар асосий иш жойи бўйича аттестацияга жалб этилади. Таълим ташкилотларида ўриндошлиқ асосида дарс берадиган ва асосий иш жойи бўйича педагогик фаолият билан шуғулланмайдиган педагог кадрлар ўриндошлиқ асосида фаолият юритаётган таълим ташкилотидан аттестацияга жалб этилади.

Ёдда тулинг!

Таълим ташкилотлари раҳбарлари навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтиш муддати тугашидан олти ой олдин педагог кадрларни аттестациядан ўтиш лозимлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тартиби билан таништириб, аттестациядан ўтиш учун ҳужжат топшириш бошлангунга қадар уларнинг педагогик маҳорати ва психологик тайёргарлигини баҳолашни ташкил этиши лозим.



АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТИШ УЧУН МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

Аттестациядан ўтиш учун педагог кадрлар ҳар йили **1 январдан 1 марта** қадар ва **1 августдан 1 октябрга** қадар бевосита давлат хизматлари марказлари орқали ёки **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** ёхуд ваколатли вазирликларнинг расмий веб-сайтида рўйхатдан ўтган ҳолда мурожаат қиладилар.

Эслаб қолинг! Педагог кадрларни навбатдаги **мажбурий** аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди.

Педагог кадрларни **навбатдан ташқари** аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **бир баравари миқдорида** йиғим ундирилади. Бунда, ЯИДХП ёки ваколатли вазирликларнинг расмий веб-сайти орқали мурожаат қилинганда, йиғим суммасининг 90 фоизи ундирилади.

Бу мұхим! Педагог кадр аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизмати кўрсатилишидан воз кечган, амалдаги малака тоифасини

(лавозимини) ҳимоя қила олмаган ва аттестациядан ўта олмаган тақдирда, тўланган йигим қайтариб берилмайди.

Педагог кадрлардан ҳужжатларни қабул қилиш ҳар йили **1 март** ва **1 октябрь** саналарида **тўхтатилади**.

АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТИШ УЧУН СЎРОВНОМАГА ИЛОВА ҚИЛИНАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР

Сўровномага қуидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ✓ педагог кадрнинг таълим тўғрисидаги ҳужжати (хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатни Ўзбекистон Республикасида тан олиш ҳақидаги гувоҳнома);
- ✓ қайта тайёрлаш курсларидан ўтганлиги ҳақидаги диплом нусхаси (агар мавжуд бўлса);
- ✓ педагог кадрнинг педагогик маҳорати ва психолого-педагогик тайёргарлигини баҳолаш натижалари юзасидан маълумотнома (ўрта маҳсус ва профессионал таълим ташкилотлари педагоглари учун).



БОШҚА ҲУЖЖАТЛАР ҲАМ СЎРАБ ОЛИНИШИ МУМКИНМИ?

Заруратга кўра, маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида, педагог кадрдан қуидаги **қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин**:

- ✓ педагогнинг фамилияси ёки исми ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот;
- ✓ навбатдаги мажбурий аттестацияга жалб этилмасдан навбатдан ташқари аттестацияга жалб қилинишига асос бўладиган ҳужжатлар;
- ✓ педагог кадрлар тўғридан-тўғри аттестациядан ўтказилмасдан, малака тоифаси (лавозим) сертификатини олиш учун асос бўладиган ҳужжатлар;

Бу муҳим! Педагог кадрлардан ушбу бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш **тақиқланади**.

АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТИШ БЎЙИЧА ХАБАРНОМА ЮБОРИШ

Ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилганда ваколатли вазирликлар томонидан ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида давлат хизматлари марказига ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёхуд

ваколатли вазирликларнинг расмий веб-сайти орқали **педагог кадрларга хабарнома юборилади.**

Ушбу хабарнома **QR-кодга** эга бўлиб, бунда педагог кадрни аттестацияга жалб қилиш саналари, жалб қилинадиган фани, педагог кадрнинг шахсий маълумотлари акс эттирилади ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан электрон ёки босма равишда тақдим этилганда, аттестация жараёнига кириш учун **рухсатнома сифатида фойдаланилади.**



МАЛАКА СИНОВЛАРИ ҚҮЙИДАГИ ШАКЛЛАРДАН БИРИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ:

Малака синовлари қўйидаги шакллардан бири бўйича ўтказилади:

- ✓ тест синовлари;
- ✓ ижодий;
- ✓ назарий (оғзаки, ёзма);
- ✓ назарий (оғзаки, ёзма) ва амалий.

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Педагог кадрлар икки босқичда аттестациядан ўтказилади ҳамда қуийдаги иккита босқич бўйича умумий 100 баллик тизимда баҳоланади:

биринчи босқичдп – педагогнинг мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражаси баҳоланади;

иккинчи босқичда – педагогик маҳорати баҳоланади.

Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилоти педагог кадрларининг биринчи босқичда педагогик маҳорати ва психолого-тайёргарлиги таълим ташкилотининг педагогик (кузатув) кенгашлари томонидан ўрганилади ҳамда 20 баллик тизимда баҳоланади.

Ёдда тутинг! Педагог кадрларнинг педагогик маҳорати ва психолого-тайёргарлиги ҳар бир аттестация учун алоҳида баҳоланади. Бунда олдинги аттестация жараёнида баҳолаш обьекти бўлган кўрсаткичлар кейинги аттестациянинг педагогик маҳорат ва психолого-тайёргарликни баҳолаш босқичида ҳисобга олинмайди.

Педагог кадрларнинг педагогик маҳорати ва психолого-тайёргарлигини баҳолаш натижалари таълим ташкилоти раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда, Олий таълим, фан ва инновациялар вазириligига топшириш учун педагог кадрларга тақдим этилади.

Педагог кадрлар педагогик маҳорат ва психолого-тайёргарликни баҳолаш натижалари юзасидан маълумотномада неча балл кўрсатилганидан қатъи назар, аттестациянинг кейинги босқичида иштирок этишлари мумкин.

Бу муҳим! Педагогик маҳорат ва психолого-тайёргарликни баҳолаш натижалари юзасидан маълумотнома аттестациядан ўтиш учун ҳужжат топшириш бошланган санага қадар қўпи билан тўрт ой муддат ичida берилган бўлиши лозим.

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТНИ БАҲОЛАШ

Ўрта махсус ва профессионал таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун **иккинчи босқичда** – педагогнинг ўқув фани бўйича билим даражасини аниқлаш учун **40 та** тест топшириғи берилиб, ҳар бир тўғри бажарилган тест топшириғи **2 балл** билан баҳоланади ва тест синовлари учун жами **80 балл** берилади.



МУТАХАССИСЛИК ФАНИ ВА КАСБ СТАНДАРТИ БЎЙИЧА БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ҲАМДА ЎҚУВ ФАНИ БЎЙИЧА МАЛАКА СИНОВЛАРИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ЎТКАЗИЛАДИ?

Мутахассислик фани ва касб стандарти бўйича билим даражасини аниқлаш ҳамда ўқув фани бўйича малака синовлари:

маданият ва санъатга (*тасвирий ва амалий санъат, дизайн, мусиқа, театр, цирк ва хореографияга*) ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун – ижодий синовлар шаклида;

жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим ташкилотларининг педагог кадрлари учун – назарий (оғзаки, ёзма) синовлар шаклида;

таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун – назарий (оғзаки, ёзма) ва амалий синовлар шаклида ўтказилади.

Бу мұхым! Ижодий, назарий (оғзаки, ёзма), амалий синовлар ваколатли вазирликлар ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг қўшма қарори билан рўйхати тасдиқланадиган ишчи гуруҳлар томонидан **ҳар йили март – май ҳамда октябрь – ноябрь ойларида ўтказилади.**

Ижодий, назарий (оғзаки, ёзма), амалий синовлар қўйидаги тартибда баҳоланади:

Маданият ва санъатга, жисмоний тарбия ва спортга ихтисослаштирилган таълим ташкилотлари педагог кадрлари учун ижодий ва назарий (оғзаки, ёзма) синовлар **тўртта топшириқдан (саволдан)** иборат бўлади ва белгиланган вақтда, тўлиқ, тўғри ва сифатли бажарилганлигига (тўғри жавоб берилганига) кўра ҳар бир топшириқ учун **20 баллдан, жами 80 баллик тизимда;**



таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун назарий (оғзаки, ёзма) синовлар тўртта саволдан иборат бўлади ва белгиланган вақтда, тўлиқ ҳамда тўғри жавоб берилганингига кўра ҳар бир топшириқ учун 5 баллдан, жами 20 баллик тизимда баҳоланади.

Таълим ташкилотларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун амалий синовлар қуидаги **жисмоний машқдан** иборат бўлади:

Эркаклар учун:

- 1) 100 метрга югуриш;
 - 2) жойидан туриб узунликка сакраш;
 - 3) турникда тортилиш (*аёллар учун: гимнастика ўриндиғига таяниб, қўлларни букиш ва ёйиш*);
 - 4) ётган ҳолда қўлларни бош орқасига қўйиб гавдани кўтариш.
- ҳар бир машқ 15 баллдан, жами 60 баллик тизимда баҳоланади.



ПЕДАГОГ КАДР ҚУЙИДАГИ ҲОЛЛАРДА МАЛАКА СИНОВЛАРИДАН ЧЕТЛАШТИРИЛАДИ:

Педагог кадр қуийдаги ҳолларда малака синовларидан четлаштирилади:

- ✓ синов ўтказилаётган аудиторияга ҳар қандай адабиёт, шпаргалка ёки телекоммуникация ва техника воситаларини олиб кирса;
- ✓ синов ўтказилаётган вақтда бошқа иштирокчилар билан мулоқот қилса;
- ✓ саволларни кўчириб олишга ҳамда синов материалларини аудиториядан олиб чиқишга ҳаракат қилса;
- ✓ синов материалларини бошқа талабгорларга берса, синовни ўтказиш жараёнига халақит қилса;
- ✓ синов жараёнига бошқа талабгорнинг ўрнига кирганлиги аниқланса;
- ✓ синовлар учун ажратилган вақт тугагандан сўнг синов материалларини топширишдан бош тортса;

- ✓ синовлар жараёнида видеокузатувлар орқали талабгорнинг тартиб ва қоидаларга амал қилмаганлиги аниқланса.



ҚАЙСИ ҲОЛАТЛАРДА ПЕДАГОГ ХОДИМЛАР АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТГАН ВА МАЛАКА ТОИФАСИНИ САҚЛАГАН ҲИСОБЛАНАДИ?

a) олий малака тоифали ёки бош ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр:

- ✓ 80 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган**, олий малака тоифаси (бош ўқитувчи лавозими) сақланган;
- ✓ 80 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтмаган, биринчи малака тоифасига** (етакчи ўқитувчи лавозимига) **туширилган** (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

b) биринчи малака тоифали ёки етакчи ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр:

- ✓ 80 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган, олий малака тоифаси** (бош ўқитувчи лавозими) берилган;

70 баллдан 79 баллгача кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган, биринчи малака тоифаси** (етакчи ўқитувчи лавозими) **сақланган**;

- ✓ 70 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтмаган, иккинчи малака тоифасига** (катта ўқитувчи лавозимига) тушрилган (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

b) иккинчи малака тоифали ёки катта ўқитувчи лавозимидаги педагог кадр:

- ✓ 70 балл ва ундан юқори кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган, биринчи малака тоифаси** (етакчи ўқитувчи лавозими) берилган;
- ✓ 60 баллдан 69 баллгача кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган**, иккинчи малака тоифаси (катта ўқитувчи лавозими) сақланган;
- ✓ 60 баллдан кам кўрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтмаган**, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимига тушрилган

(навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно);

г) мутахассис ёки олий маълумотли ўқитувчи лавозимидағи педагог кадр:

- ✓ 60 балл ва ундан юқори күрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган, иккинчи малака тоифаси** (кatta ўқитувчи лавозими) берилган;
- ✓ 55 баллдан 59 баллгача күрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган**, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозими сақланган;
- ✓ 55 баллдан кам күрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтмаган**, мутахассис (олий маълумотли ўқитувчи) лавозимига мувофиқ эмас деб (навбатдан ташқари аттестацияга жалб этилган педагог кадрлар бундан мустасно) ҳисобланади.

д) олий маълумотга эга бўлмаган педагог кадрларга малака тоифалари берилмайди, улар:

55 балл ва ундан юқори күрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтган, лавозими сақланган**;

55 баллдан кам күрсаткичга эга бўлса – **аттестациядан ўтмаган**, ўқитувчи лавозимига мувофиқ эмас, деб ҳисобланади.

Аттестация натижаларидан норози бўлган педагог кадрлар натижалар эълон қилинган кундан бошлаб **ўн кун мобайнида** апелляция комиссиясига ёзма равишда ариза (шикоят) беришлари мумкин.

Апелляция комиссияси аттестация бошлангунга қадар ваколатли вазирликлар раҳбарларининг буйруғига (қарорига) кўра **етти кишидан** иборат таркибда тузилади.



АПЕЛЛЯЦИЯ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ КИМЛАРДАН ИБОРАТ БЎЛАДИ?

Апелляция комиссияси қўйидаги таркибдан иборат бўлади:

- 1) ваколатли вазирликлар раҳбарининг ўринbosари (комиссия раиси);
- 2) соҳага масъул таркибий бўлинмаси раҳбари (комиссия раиси ўринbosари);
- 3) ваколатли вазирлик ходимлари (*бир нафари — комиссия котиби*), касаба уюшмаси вакили ҳамда ходимларидан иборат бўлади.

Апелляция комиссиясига **мурожаат қилиш ёзма равишда** ёки ваколатли вазирликнинг расмий **веб-сайти орқали электрон тарзда** амалга оширилади.

Эслаб қолинг! Апелляция комиссияси йиғилишида комиссия аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этса, унинг қабул қилган қарори қонуний кучга эга бўлади.

ШИКОЯТНИ КЎРИБ ЧИҚИШ МУДДАТИ

Ариза (шикоят) **рўйхатга олинган** кундан бошлаб **ўн кун** муддатда, қўшимча ўрганишлар талаб этилганда эса малака тоифаси сертификатлари шакллантирилгунга қадар кўриб чиқилади ва мурожаат этувчи апелляция комиссияси томонидан мурожаати кўриб чиқилиши жараёнида бевосита ёки масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этиши мумкин.

Апелляция комиссияси қарори нусхаси апелляция комиссияси қарори чиқкан кундан эътиборан **беш кун** муддатда ваколатли вазирликнинг расмий веб-сайтидаги мурожаат этувчи педагог кадрнинг шахсий кабинетига юборилади.